



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19892352>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-aprel 2026 yil

Ma'qullandi: 27-aprel 2026 yil

Nashr qilindi: 29-aprel 2026 yil

KEYWORDS

*ички ишлар органлари,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматлари,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси, фаолият.*

ABSTRACT

*ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматларининг
хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
таҳлили қилиниб, мазкур фаолиятни янада
самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда
тавсиялар билдирилган.*

Жамият ижтимоий ҳаётида, одатда ҳар бир ташкил этиладиган субъект – у корхона, муассаса, ташкилот ёки уларнинг таркибий тузилиши бўладими, у давлатга тегишли ёки нодавлат бўлишидан қатъий назар уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун эса, мазкур субъектнинг вазифа ва функциялари белгиланади. Худди шунингдек, биз сўз юритмоқчи бўлган ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳам давлат ташкилотининг таркибий тузилиши сифатида уни ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва ушбу мақсадга эришиш учун эса, уларнинг зиммасида вазифа ва функциялар мавжуд. Хусусан, ҳар қандай субъектларнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятларини тўғри белгилаб олиш улар фаолиятини самарали ташкил этишга, тўғри ва тизимли бошқаришга хизмат қилади, жумладан, ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳам.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹ги қонунига биноан, хуқуқбузарликлар профилактикаси – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузар-ликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан ² иборатдир.

Жумладан, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир. Ички ишлар органлари тизимида эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий ва кенг доирада амалга оширувчи таркибий тузилма ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларидир. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани³, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда десак, муболаға бўлмайди. Мазкур фаолиятни амалга оширишда эса, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятидан бошланади⁴ ва улар ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг қуйи тизими ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзаллик-лари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген

² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

³ Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

⁴ Ермаков А.Г. Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. - ҚКҚ: Шпр://№№№.Ш88егса1сот/соп1еп1 (мур. вақти: 26.05.2022).

омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади⁵.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти хусусида бир қанча мутахассислар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳаларига тааллуқли таркибий тузилмаларнинг фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда йўналишларга бўлиб тадқиқ қилганларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, И. Исмаилов ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг таркибий тузилиши бўлган таянч пунктларининг фаолиятини, ўзаро боғлиқ вазифаларидан келиб чиқиб, шартли равишда тўққизта йўналишга ажратади⁶. М.З. Зиёдуллаев эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари таянч пунктларининг фаолиятини қуйидаги олтита йўналишга ажратади:

- 1) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;
- 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;
- 3) маъмурий-процессуал фаолият;
- 4) тезкор кидирув фаолияти;
- 5) жиноят-процессуал фаолият;
- 6) жиний жазолар ижросини таъминлаш фаолияти⁷.

Ж.С. Мухторов эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини еттита йўналишга ажратади:

- 1) носоғлом оилалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги;
- 2) вояга етмаганлар ўртасидаги;
- 3) илгари судланганлар ўртасидаги;
- 4) диний-экстремизм билан боғлиқ;
- 5) одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;
- 6) аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, онги ва маданиятини юксалтириш;
- 7) ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш⁸.

Юқорида фикрлари қайд этилган муаллифлар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳа фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан йўналишларга ажратганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, агар тадқиқ этилаётган ташкилот ёки

⁵ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.

⁶ Исмаилов И., Бухаров Д. Уюшган жиний тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар): Ўқув қўлланма. - Т., 2007. – Б. 36.

⁷ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. – Б. 36.

⁸ Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Юрид. фан. номзоди. ... дис. - Т., 2009. – Б. 27.

соҳавий хизмат давлат органи ёхуд давлат органининг таркибий қисми бўлса, унда ушбу соҳавий хизмат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида улар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фаолиятини улар зиммасидаги асосий вазифалар кўлами ва мазкур вазифалар белгилаб берилган ҳамда уларни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг амалга ошириладиган кўйидаги йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

Ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар:

1. *Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;*
2. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;*

Ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг:

1. *Жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолияти.*

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти – ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг зиммасига биринчи галдаги мажбурият сифатида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлмиш жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолиятлари кенг кўламлиги ва ўзига хос серқирралиги билан ажралиб туради. Хусусан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ҳам жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун белгиланган вазифа ҳамда функцияларнинг моҳиятини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади. Бу йўналишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий вазифалари ҳам жамоат тартиби бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигининг самарали таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали эса, жамоат тартиби сақланиб, жамоат хавфсизлиги таъминлашга эришилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини англатиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, кенг жамоатчиликка ҳуқуқбузарлик ва уни содир этган шахсларнинг ижтимоий

хавфи, ҳуқуқбузарлик содир этиш усул ва воситалари ҳақидаги маълумотларни етказиб, ўзини – ўзи ҳимоя қилишларига эришиш ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш билан бирга, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.



INNOVATIVE
ACADEMY